
Ҳайитлик пуллари тарқатилди

Бугун мусулмонларнинг улуғ айёми Қурбон ҳайити байрами арафасида Тошлоқ тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари А.Джурабаев сектор ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи ногиронлиги бўлган, оғир касалликка чалинган, фронт орти қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олди. Оилаларнинг моддий аҳволи билан танишиб уларга Муҳтарам Президентимиз томонидан ажратилган нақд пул кўринишидаги моддий маблағларни ҳамда зарурий дори-дармон воситалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатди. Ҳар бир фуқароларнинг мурожатлари эшитилди. Кўплари жойида ҳал этилди, муддат талаб этган масалалар юзасидан масъулларга топшириқлар берилди. Кўрсатилаётган ғамхўрликдан ва эътибордан ҳурсанд бўлган ҳар бир фуқаролар юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини тилаб дуо қилдилар.

2020-07-29 18:15:37